



МАҲАЛЛА — ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСКАНИ

Тошбоева Муниса Рустам кизи, инглиз тили фани ўқитувчиси

Аннотация

Ушбу мақолада фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўз-ўзини бошқариш органи бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти келтирилган бўлиб, ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий маданияти акс эттиради.

Аннотация

В данной статье представлены роль и значение махалли, которая является органом самоуправления в системе институтов гражданского общества и отражает общественно-политическую культуру узбекского народа.

Калит сўзлар: *Демократия, ижтимоий институт, плюрализм, глобаллашув, коммуникация.*

Ключевые слова: *Демократия, социальный институт, плюрализм, глобализация, коммуникация.*

Ҳар бир давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаши ва халқининг муносиб турмуш даржасини таъминлашида, энг аввало, демократик бошқарув тизими, иқтисодий барқарорлик, мамлакатда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожига, аҳоли ижтимоий-сиёсий маданияти, фуқаролик позициясининг юксалтирилишига кўплаб омиллар асос бўлиб хизмат қилади. Қучли фуқаролик жамиятини шакллантириш эса ҳар бир мамлакат учун устувор вазифа бўлиб, бу, энг аввало, ижтимоий муносабатлар жараёнида ўз аксини топиб, мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим қафолати бўлиб хизмат қилади. Демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинлигини таъминлашнинг муҳим қафолати сифатида мамлакатда фуқаролик жамияти муносабатининг акс этишидир. Фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаётга ва унинг доимо тараққий этиб боришига катта аҳамият берилиб, асосий мақсад — инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши, барча ҳаётий орзу-умидлари шу жамиятдаги сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институт, гуруҳ, оила ва бошқа жамоат бирлашмалари орқали амалга оширилишини таъминлашдир. Бу сиёсий ташкилотлар, ижтимоий институтлар ва



гуруҳлар ҳар бир инсонга ўзи яшаётган жамиятда ҳокимиятнинг манбаи эканлигини, ҳуқуқ ва эркинликлари, қобилияти ва ҳаракати, обрўси юксак қадриятда бўлишини тушунтиришга ёрдам беради. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ва бошқа мақсадларини амалга оширадilar. Фуқаролик жамияти концепцияси бозор иқтисодиёти ва демократик ҳуқуқий давлат шароитида ҳукумат тасарруфида бўлмаган ташкилотлар, уюшмалар, эркин ва тенг ҳуқуқли индивидларнинг ўзаро плюрализмига асосланган муносабатлар уйғунлигидан ташкил топади.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўз-ўзини бошқариш органи бўлган маҳалланинг ўрни ниҳоятда беқиёс. Бошқа мамлакатлар бошқарув тизимидан фарқли ўлароқ, маҳалла институтлари юртимизда минг йиллар давомида синалиб, аҳолини бирлаштириб турган ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида тараққий топиб келмоқда. Бинобарин, бугунги жадал ўзгаришлар силсиласида мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига самарали ўтиши, урф-одатлар, анъана ва қадриятларни сақлаб қолиш, ёшларда меҳр-оқибат туйғусини юксалтириш ва жипслаштиришда муҳим маънавий омил сифатида ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмоқда³¹.

Дастлабки инсонпарварлик ғоялари илк жамоавийликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, инсонларнинг жамоа бўлиб яшаш тарзи, улар ўртасидаги муносабатларнинг ибтидоий кўриниши “Авесто” китобида баён қилинган. Илк жамоа бирлашмалари бронза даврининг Сополлитепа ёдгорликларига тақалиб унга кўра, “**нмана**” — катта патриархал оила, бир неча нманаларнинг бирикуви эса “**уруғ жамоаси**”ни, уруғ жамоаси “**вис**”ни, вислар бирлашуви “**варзана**” — худудий кўшничилик жамоасини, уларнинг уюшуви эса “**занти**”ни юзага келтирган. Мазкур кенгашларнинг жамоа ҳаёти билан боғлиқ диний-дунёвий ишларнинг барчаси **Оқсоколлар Кенгаши** томонидан ҳал этилган. Ўша даврда бир неча оилани бирлаштириб, муайян худудда макон тутган, диний, маданий қадриятлар билан ажралиб турадиган ижтимоий тузилма жамоа бирлашмалари маҳалла деб аталиб, уларнинг фаолиятида уруғчилик муносабатлари устунлик қилган. Маҳалла тарихига оид яна бир мисол: милoddан аввалги III асрдан милодий V аср бошларигача қадимги

³¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б. 247-15.



Паркана (Фарғона) давлатида ҳам жамоалар ҳаёти билан боғлиқ далилларни кузатишимиз мумкин. Хусусан, Шарқ мутафаккирлари Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Жаъфар Наршахий, Маҳмуд Кошғарий, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар асарларида адолатли жамият ва инсоннинг кадр-қиммати улуғланиши билан бир қаторда жамоа (маҳалла) бўлиб яшаш тарзи, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, улар томонидан амалга ошириладиган вазифа ва ваколатлари тўғрисидаги турли асосли фикр-мулоҳазаларни учратишимиз мумкин. Айниқса, «**маҳалла**» атамаси шарқнинг илк уйғониш даври мутафаккири **Маҳмуд Кошғарийнинг** «*Девону луғотит турк*» асарида учрайди. Бу даврда ушбу институтнинг асосий ваколоти – аҳолининг турмуш фаолиятини жамоа доирасида ижтимоий-худудий жиҳатдан ташкил этишдан иборат бўлган.

Шунингдек, ўзини ўзи бошқариш органларининг мавжудлиги, фаолияти ва уларнинг ташкилий вазифа ҳамда ваколатлари хусусида **Юсуф Хос Ҳожибнинг** «*Кутадгу билиг*» асарида тўқис баён этилган. Шарқнинг таниқли мутафаккирларидан бири **Абу Жаъфар Наршахий IX** асрда ёзган «*Бухоро тарихи*» асарида, бундан 1100 йил илгари 19 та катта-катта маҳаллалар мавжуд бўлганлиги, бу маҳаллалар ўзини ўзи идора қилиб, ички ваколатларига эга бўлган; Қадимги Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам маҳалланинг алоҳида ўрни борлиги мисоллар орқали келтирилган. Мазкур асарда «Куйи Ало», «Куйи бикор», «Куйи риндон», «Самарқанд дарвоза», «Фахсодара дарвоза», «Гардун Кашон», «Дарвозайн Мансур», «Куйи деҳқон», «Куйи Мукон», «Куйи Кох» каби ўндан ортиқ маҳаллалар номи, улар ҳудудидаги муаммоларни ҳал қилиш ваколатларига эга бўлганлигини қайд этилган. Таъкидлаш керакки, X асрда Ўзбекистон ҳудудида тилга олинган “**Маҳалла**” атамаси савдо-хунармандчилик касбларини белгиловчи термин сифатида учрайди. Бу даврларда маҳалла уч асосий йўналишда ўз ваколатига эга бўлган:

1. Шаҳар ҳудудини ораста сақлаш;



2. Тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли жойи ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини тўғри ташкил этиш;

3. Давлат ва маҳаллий тадбирларни ўтказишда уларга раҳбарлик қилиш борасидаги ваколатларни амалга оширган.

Бугунга келиб замон талабларига жавоб берадиган ўз-ўзини бошқариш органининг янгича тузилмасини шакллантириш, иш юритиш тизимини самарали ташкил қилиш муҳим вазифалар сирасига киради. Президентимизнинг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим аҳамият касб этади. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш биринчи мақсад сифатида белгилангани ҳам бежиз эмас. Бу маҳалланинг давлат ва жамиятдаги ролини ошириш борасидаги навбатдаги муҳим кадамдир.

Шу боисдан маҳалла масканини ривожлантириш, уни ёшлар маънавиятини юксалтириб тарбиянинг асосий бўғинига айлантиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Бугунги глобалашув даврида ёшларнинг турли бузғунчи оқимларга кириб кетиш ҳолатларининг олдини олиш;
- Уюшмаган ёшларни бириктиришда маҳалла ижтимоий институтлари асосини шакллантириш;
- Маҳалла фаолиятининг Республика миқёсида марказлашган бошқарув идораларини ташкил этиш;
- Уларни онлайн шаклдаги интегратив иш тизими билан таъминлаш;
- Молиявий мустаҳкамликни таъминлаш мақсадида турли жамоат хайрия фондларини ташил қилиш лозим.

Бугунги кунда Республикамизда 10 мингга яқин маҳаллалар фаолият олиб бормоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла фуқаролар йиғинларини Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг том маънодаги таянчи бўлишига тўсқинлик



килаётган энг катта муаммолардан бири — уларнинг ташкилий функцияларининг самарали йўлга қўйилмаганидир.

Юқорида берилган муаммоларни ҳал этишда қуйида берилган таклифларни амалда ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқ:

1. Қисқа фурсатда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳуқуқий мақомини ошириш, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ходимлар штатларини кўпайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида уларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш бўйича қўшимча зарурий чоралар-тадбирларни амалга ошириш;

2. Тизимда ишлайдиган раҳбар ва ходимлар малакасини ошириш, уларни молиявий рағбатлантириш;

3. Барча туман ва шаҳарларда фуқаролар йиғинлари раислари, масъул котиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбарларининг ўқув-семинарларини ташкил этишни назарда тутати.

Дунёнинг бошқа мамлакатларида учрамайдиган фуқароларни ўзини ўзи бошқариш институти — маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада чуқурлаштириш, бу борадаги давомий ислоҳотлар негизини таъминлаш яна бир қарра ўзининг амалий исботини топди. Зеро, фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳияти, унинг ижтимоий-сиёсий шароитлардаги фаолияти тўғрисида турли хил илмий қарашлар таҳлилини умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамияти бу давлат томонидан тўғридан-тўғри тартибга солинмайдиган ва бошқарилмайдиган эркин фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва кўнгиллилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқаларининг тизимли консорциумидан ташкил топади. Маҳалла жамиятнинг коммуникациялари, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий соҳаларига тегишли принципларидан фарқ қиладиган, ўзига хос қонуниятлар – тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 40 б.



2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
3. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. Т., Ўзбекистон, 2010. Б. 247.
4. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –560 б.
- 5 . Холмўминов Қ. Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2000. – 116 б.

Интернет сайтлари

<http://lex.uz> сайтидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 69-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2018 й., 06/18/5597/2300- ҳамда 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502, 08.03.2019 й., 06/19/5687/2723- сони

